

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

3-son (4- jild)

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 3 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Ҳожаев Азизхон Саидалоҳонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудир;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Қаюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохидат Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Караматдиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

Содиқова Шоҳида Мархабобевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сейтов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Hamroyev Asliddin Umed o'g'li

“GULSHANUL MULUK” (“SHOHLAR GULSHANI”) ASARI – MANG'ITLAR HUKMRONLIGI DAVRI MUARRIXLIGI NAMUNASI 13-18

Bazarbayeva Shohsanam Muratovna

SIRDARYO VILOYATIDA VETERINARIYA SOHASIGA OID ISLOHOTLAR (XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARI) 19-23

Asadova Dilnoza Innatovna

O'ZBEKISTONDA RAQS SAN'ATI SOHASIDA KADLAR TAYYORLASH MASALASI TARIXI VA BUGUNI 24-28

Ҳайитов Умед Яҳёевич

ЎЗБЕКИСТОН ССР МУВАҚҚАТ ИНҚИЛОБИЙ ҚЎМИТАСИ (МАРКАЗИЙ РЕВКОМ)НИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА ФАОЛИЯТИ 29-34

Омонова Сарвиноз Ориф қизи

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ДАВРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ ҲОЛАТИ... 35-42

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Алимханова Нигора Алимхановна

ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 43-52

Маҳмудова Дилафруз Hasanovna

KORPORATIV BOSHQARUVNING AYRIM NAZARIY JIHATLARI 53-60

Toxirov Akbarxon Toirxon o'g'li

SANOAT KORXONALARIDA IQTISODIY XAVFSIZLIKNING EKONOMETRIK MODELASHTIRISH 61-69

Меҳмоналиев Улугбек Эркинжон угли

СУЩНОСТЬ ОРГАНИЗАЦИИ СЛУЖБЫ ВНУТРЕННЕГО АУДИТА НА ПРЕДПРИЯТИЯХ . 70-75

Паязов Мурод Максудович

“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АЖДА ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕТОДИКАСИ 76-86

Шадибекова Дилдор Абдурахмановна

ЛОГИСТИЧЕСКИЙ РЫНОК УЗБЕКИСТАНА И ПРОБЛЕМЫ ЕГО РАЗВИТИЯ 87-92

Malikova Dilrabo, Khudoiberdieva Maftunabonu

INNOVATIVE HR MANAGEMENT: NECESSITY AND METHODS OF APPLICATION 93-99

Мамажоновна Одинахон Алишер қизи

КОРХОНАЛАР БОШҚАРУВИДА ИННОВАЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ 100-106

Nozimov Eldor Anvarovich

ELEKTRON TIJORATNI RIVOJLANISHDA O'ZBEKISTON VA HORIIY DAVLATLARNING O'RNI 107-115

Буранова Жазира Эргаш қизи

ВЛИЯНИЕ ЦИФРОВИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ НА ИНКЛЮЗИВНЫЙ РОСТ ГОСУДАРСТВА 116-120

<i>Худойназаров Фахритдин Хаитович</i> КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ	121-127
<i>Бахтиёрлов Бобур Баходир ўғли</i> ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА БАНК ЛИКВИДЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	128-136
<i>Isomitdinova Gulbaxor Kurbonaliyevna</i> O'ZBEKISTON SHAROITIDA INVESTITSIYA RISKLARINI BOSHQARISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH	137-145
<i>Yuldashev Shadiyor Shuxrat o'g'li</i> OLIV TA'LIM O'QUV JARAYONLARIDA ZAMONAVIY VEB TEXNOLOGIYALARI INTEGRATSIYASI	146-150
<i>Baxtiyorov Asrorbek Azizjon o'g'li</i> TIJORAT BANKINING KREDIT SIYOSATI ASOSLARI, UNING IQTISODIY MOHIYATI	151-159
<i>Saidov Shohruh Mirzo</i> SOCIO-ECONOMIC ANALYSIS OF CONDITIONS OF DEVELOPMENT OF HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS	160-169
<i>Kunduzova Kumrixon Ibragimovna</i> IQTISODIY RIVOJLANISHNING HOZIRGI BOSQICHIDA XO'JALIK YURITUVCHI SUBYEKTLAR FAOLIYATIDAGI JORIY AKTIVLAR TUSHUNCHASI VA UNING O'RNI	170-177
<i>Inomjon Matkarimov</i> AGROKIMYO BIOKIMYO XIZMATLARI IJTIMOIV IQTISODIY SAMARADORLIGINI TA'MINLASHNING SWOT TAHLILI	178-183
09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
<i>G'aybullayev Otabek Muxammadiyevich</i> JAMIYATDA ESTETIK MADANIYAT RIVOJLANISHINING FALSAFIY ASOSLARI	184-189
<i>Masharipova Gularam Kamilovna</i> MAHMUD IBN MUHAMMAD IBN UMAR AL-CHAG'MINIYNING «AL-MULAXXAS FI-L-HAY'A» RISOLASINING NUSXALARI VA QOZIZODA RUMIYNING SHARHI	190-198
<i>Абдуллаханова Гулбахор Саттаровна</i> ФИЛОСОФСКИЕ ВЗГЛЯДЫ ИБН СИНО И ИХ РОЛЬ В УКРЕПЛЕНИИ ДУХОВНО- ЦЕННОСТНЫХ ОСНОВ СОВРЕМЕННОГО РАЗВИТИЯ ЦИВИЛИЗАЦИИ	199-206
<i>Urinov Xushnudjon Abdulomitovich</i> TA'LIM VA KASB-HUNAR ISLOHOTLARI GENEZISI: KASBIY FAOLIYAT VA MEHNATGA MUNOSABATNING TARIXIY SHAKLLANISHI	207-220
<i>Азизкулов Акрам Абдурахмонович</i> ШАРҚШУНОС УИЛЬЯМ ЭРСКИН ТАДҚИҚОТЛАРИДА БОБУРИЙЛАР СУЛОЛАСИ ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ	221-227
<i>Kenjayev Ulug'bek Muratovich</i> BEFARQLIK HAQIDAGI FALSAFIY FIKRLAR RIVOJI	228-232
<i>G'aybullayeva Laylo Safarboyevna</i> MAHALLADA YOSHLAR SIYOSIY FAOLLIGINI OSHIRISHDA IJTIMOIV-FALSAFIY RIVOJLANISH MASALALARI	233-238

<i>Хо'janova Tamara Jo'raevna</i> YOSHLAR MA'NAVİYATIGA TAHDID VA ULARDAN O'ZINI ONGLI HIMOYA QILISH KO'NIKMALARI	239-245
<i>Jabborova Saodat Sattorovna</i> MA'NAVİY SALOHİYATNING IJTIMOİY TARAQQIYOT MANBAI SIFATIDA XUSUSIYATLARI	246-252
<i>Xusanov G'olib Elmurodovich</i> O'ZBEK OILALARINING RIVOJLANISHIDA AXLOQIY TAFAKKUR MASALALARI	253-257
<i>Агзамходжаева Шахноза Саидматмабевна</i> МУСУЛЬМАНСКОЕ БОГОСЛОВИЕ, СВЯЩЕННЫЙ КОРАН И ТВОРЧЕСТВО НАВОИ В КОНТЕКСТЕ ФИЛОСОФСКОЙ КОМПАРАТИВИСТИКИ	258-265
<i>O'razov Bobir Baxtiyorovich</i> IJTIMOIY DAVLATNING NAZARIY VA METODOLOGIK ASOSLARI: VUJUDGA KELISH SHARTLARI, BELGILARI VA FUNKSIYALARI	266-270
<i>Qunishev Ulug'bek Ulashevich</i> NEMIS KLASSIK FALSAFASIDA JAMIYAT RIVOJLANISHIGA TA'SIR ETUVCHI AXLOQIY VA ESTETIK OMILLAR	271-275
<i>Турдибоев Бозор Худойбердиевич</i> ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ТАРИХИЙ ЯХЛИТЛИК НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ СИФАТИДА	276-282
<i>Kenjayeva Dilrabo Rominovna</i> MARKAZIY OSIYO MUTAFAKKIRLARI TA'LIMOTIDA O'ZLIKNI ANGLASH TUSHUNCHASI VA UNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	283-287
<i>Azamatova Gulrukh Islom qizi</i> SOCIOCULTURAL ASPECTS IN KARL POPPER'S PHILOSOPHY IN THE CONTEXT OF MODERN EDUCATION	288-293
<i>Тошпулатова Ширин Мухиддиновна</i> ЭТИЧЕСКИЕ ОРИЕНТИРЫ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ГРАЖДАНСКОЙ СЛУЖБЫ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН	294-302
<i>Yuldasheva Dilorom Yuldashevna</i> SCIENTIFIC ATTITUDE TO CONSCIOUSNESS AND ITS INFLUENCE ON THE FIELD OF EDUCATION	303-307
<i>Bekchanov Xudoybergan O'rinovich, Yusupova Firuza Hajiboy qizi, Yuliyeva Sohiba Shuhrat qizi</i> МАКТАВГАЧА YOSHDAGI КАТТА GURUH TARBIYALANUVCHILARDA IJTIMOİY VA KOMMUNIKATIV QOBILYATNING RIVOJLANISHI	308-314
10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
<i>Ткебучава Ирина Георгиевна</i> ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ ФОРМИРОВАНИЯ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ СТУДЕНТОВ ПРИ ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ	315-320
<i>Ikromxonova Firuza Ikromovna, Jazira Nursultanqizi</i> TIPOLOGIK TAHLIL - KOMPOZITSIYA VA JANR (TARIXIY ASARLAR MISOLIDA)	321-327

<i>Ashurova Maftuna Asqar qizi</i> LINGUACULTURAL PECULIARITIES OF THE CONCEPT “HAPPINESS” IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES	328-334
<i>Mustafayeva Saodat Burxanovna</i> SALIM ASHUR SHE’RLARIDA LINGVOMADANIY BIRLIKLAR VOSITASIDA VOQELIKNI BADIY TALQIN ETISH	335-340
<i>Abdulxayeva Nodirabegim Ixtiyorjon qizi</i> DRAMATIK ASARLARNI TARJIMA QILISHDA LEKSIK-SEMANTIK, LINGVOKULTUROLOGIK MASALALAR	341-346
<i>Xajiyeva Dilfuza Adambayevna</i> FOLKLOR VOSITALARINING ZAMONAVIY ADABIYOTDAGI O’RNI VA O’RGANILISHI	347-351
<i>Jumanova Sevara Xolmurod qizi</i> KIYIM KECHAK NOMLARI TILNING BOYISH MANBAI SIFATIDA	352-356
<i>Hojaliyev Ismail Tadjibayevich, Ismailova Sayyora Tolkinovna</i> MATN NAZARIYASINING SHAKLLANISHI	357-366
<i>Abdullaev Ulmasbek Khairullayevich</i> LITERARY WORKS AS THE MOST IMPORTANT AND WELL-ACCLAIMED COMPONENTS OF THE CULTURAL HERITAGE OF THE NATION	367-370
<i>Maxmudova Fotima Maqsud qizi</i> TYPES OF MEDIA TEXT LANGUAGE	371-375
<i>Maxmudova Zuhra Maqsud qizi</i> BADIY TARJIMANING TILSHUNOSLIKDAGI AHAMIYATI	376-380
<i>Davronova Zulfiya Boboyevna</i> UZBEK- FRENCH RELATIONS AS A BINDING PART OF INTERNATIONAL CULTURAL AND HISTORICAL EXPERIENCE	381-386
<i>Hakimova Dilrabo Yo’ldoshovna</i> TERMINOLOGIYA SOHASINING TARIXI VA DOLZARB MUAMMOLARI XUSUSIDA	387-392
<i>Мадрахимов Тулибай Абдукаримович</i> СЎЗЛАШУВ НУТҚИНИНГ ТИЛ ФУНКЦИОНАЛ ВАРИАНТЛАРИ ОРАСИДА ТУТГАН ЎРНИ	393-395
12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР	
<i>Ergashev Ikrom Abdurasulovich</i> SOLIQ INTIZOMINI BUZISH BILAN BOG’LIQ HUQUQBUZARLIKLAR UCHUN JAVOBGARLIKNING AYRIM JIHATLARINING ILMIY-NAZARIY TAHLILI	396-402
<i>Куатбек Гулнар Куатбековна</i> ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ ТРАНСПАРЕНТНОСТИ ПРЕДСТАВИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ МЕСТНОЙ ВЛАСТИ	403-409
<i>Jurayev Dilmurot Mukhtarovich</i> ANALYSIS OF THE LEGISLATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN ON ALTERNATIVE RESOLUTION OF DISPUTES ARISING FROM ADMINISTRATIVE AND PUBLIC LEGAL RELATIONS	410-415

<i>Mirakhmedova Fazilat Khokim kizi</i> CRIMES OF MANUFACTURING AND SELLING PHARMACEUTICALS IN A WAY TO DANGER THE LIVES AND HEALTH OF INDIVIDUALS (Evaluation of Türkiye and Uzbekistan legal system)	416-428
<i>Касимов Нодиржон Содикжонович</i> ҚАСДДАН ОДАМ ЎЛДИРИШ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ УМУМИЙ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ	429-438
<i>Кутыбаева Елизавета Дуйсенбаевна, Есенбаев Джанибек Таирович</i> ЭКОЛОГИК ТУСДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	439-445
<i>Джалилов Сардор Шавкатович</i> ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ ВА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ КОДИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ	446-453
13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	
<i>Mirzayev Qodir Toirovich</i> ZAMONAVIY XOR SAN'ATI TA'LIMINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI	454-458
<i>Васильченко Ольга Анатольевна</i> ИСТОРИЯ И МЕТОДОЛОГИЯ РАЗВИТИЯ ВОКАЛЬНО-ХОРОВОГО ИСКУССТВА В УЗБЕКИСТАНЕ	459-463
<i>Эрназаров Алишер Эргашевич, Бекмурадов Зариф Хуррамович</i> ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МОДУЛЛИ ВА ЛОЙИҲАЛАШТИРИЛГАН ТУРЛАРИ ҲАМДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ	464-470
<i>Mattiyeva Feruza Begmatdulobovna</i> TARJIMONLIK MALAKASINI SHAKLLANTIRISHNING PSIXOLINGVISTIK VA DIDAKTIK XUSUSIYATLARI	471-477
<i>Jurayev Bobomurod Tojiyevich</i> ABU ALI IBN SINO QARASHLARIDA TA'LIM-TARBIYA MASALALARI	478-482
<i>Umurova Ma'rifat Yoshiyevna</i> XALQ QO'SHIQLARI VATANPARVARLIK TUYG'USINI RIVOJLANTIRISH VOSITASI SIFATIDA	483-486
<i>Raxmanova Dildora Abdulxamid qizi</i> INGLIZ TILIDA AKADEMIK YOZUV TUSHUNCHASI VA UNING TALABALAR ILMIY FAOLIYATIDAGI AHAMIYATI	487-492
<i>Rajabiy Aziz Xasanovich</i> VOKAL ARTISTI FAOLIYATIDA SAHNA MAHORATINING O'RNI	493-497
<i>Omanov Rashid Sherqobilovich</i> O'QUVCHILARDA EKOLOGIK TAFAKKURNI SHAKLLANTIRISH JARAYONLARINI TO'G'RI TASHKIL ETISH	498-501
<i>Салимов Ақром Хайитович</i> БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ОИЛА, МАҲАЛЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ	502-507
<i>Mamatmurodov Sharofjon Khudoyarovich</i> TA'LIM SIFATINI OSHIRISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNING O'RNI.....	508-514

<i>Ли Екатерина Владимировна</i> СИНЕРГЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ИННОВАЦИЙ И ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ	515-523
<i>Ахмедова Нафиса Исаходжаевна, Азаматов Абдулло Исахўжа ўғли, Лутфуллина Румия Анваровна</i> ЁШ ТЕННИСЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҲАРАКАТЛИ ҲИЙНЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ	524-533
<i>Очилова Мехрибон Суратовна, Хамроева Феруза Асроровна</i> АНАЛИЗ СОВРЕМЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ПЛАТФОРМ И ИХ КЛАССИФИКАЦИЯ	534-541
<i>Амонов Mirjon Namozovich</i> ИЖТИМОИЙ ПЕДАГОГИК FAOLIYAT VA UNING ASOSIY FUNKSIYALARI	542-547
<i>Sharipov Habibullo Abduqahhorovich</i> TALABALARNING IJODKORLIGINI RIVOJLANTIRISHDA MUSTAQIL TA'LIMNING O'RNI VA AHAMIYATI	548-552
<i>Yaxiyaxonova Muxiba Maxmudjonovna</i> RAQAMLI TA'LIM MUHITIDA BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINING IT SAVODXONLIGINI OSHIRISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISH	553-560
<i>Hakimova Gulshan Abdusalilovna</i> JISMONIY TARBIYA VOSITALARI ORQALI YOSH BOLALARNI SIFATLARINI TARBIYALASH	561-565
<i>Nazarov Rustam Irkinovich</i> TECHNOLOGY FOR DEVELOPING COMMUNICATIVE COMPETENCE OF STUDENTS IN HIGHER TECHNICAL EDUCATION FIELDS (IN THE EXAMPLE OF ENGLISH LANGUAGE)	566-570
<i>Muqimova Fotima Abduqaxor qizi, Muqimova Zuxra Abduqahor qizi</i> CHIZMACHILIK DARSLARIDA O'QUVCHILARNING GRAFIK SAVODXONLIGINI RIVOJLANTIRISHDA O'YINLI TEXNOLOGIYALADAN FOYDALANISHNING AFZALLIKLARI	571-576
<i>Sulaymanova Dildora Nazarovna, Giyasova Shaxnoza Abdurafikovna</i> BO'LAJAK O'QITUVCHILARNING KREATIV TAFAKKURINI LOYIHAGA ASOSLANGAN O'QITISH VOSITASIDA RIVOJLANTIRISH MODELI	577-585
<i>Usmonova Matluba Nosirovna</i> O'QUVCHILARDA MILLIY VA UMUMINSONIY QADRIYATLARNI TARBIYALASH METODIKASINING KREATIV PEDAGOGIK YONDASHUVI	586-590
<i>Ustaev Abdurazzoq Qurbonovich</i> MILLIY KURASH SPORT TURINING FUNKSIYALARI VA MAQSADGA ERISHISHDAGI VOSITALARI	591-596
<i>Shoimqulova Nigina Xolmurodovna, Yadigarova Sitara Bahromovna</i> ADDRESSING CHALLENGES IN TEACHING ENGLISH IN CENTRAL ASIAN COUNTRIES: A SCHOLARLY EXAMINATION	597-603
<i>Yeshanov Marat Urazaliyevich</i> INGLIZ TILINI O'QITISHDA BO'LAJAK CHET TILI O'QITUVCHILARINING KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYASINI TAKOMILLASHTIRISHDA PRAGMATIKANING AHAMIYATI LANGUAGE]	604-616

Tursunova Shahnoza Bekchanovna

JAMOATCHILIK FIKRINI SHAKLLANTIRISHDA JAMOATCHILIK BILAN ALOQALARNING
O'RNATISH 617-622

Atoyeva Gulshoda Rabimovna

OILADAGI ZO'RAVONLIKNING O'SMIR XULQIGA PSIXOLOGIK TA'SIRI 623-628

Musinova Ruxshona Yunusovna, Qurbonova Aziza Davlat qizi

JABRLANUVCHI SINDROMI, UNING ASOSIY SABABLARI VA BELGILARI 629-635

Jamolova Mokhigul Bakhtiorovna

METHODS OF DEVELOPING THE CRITICAL THINKING ABILITY OF PRIMARY CLASS
STUDENTS THROUGH FAIRY TALES 636-641

Турдибоев Бозор Худойбердиевич

Термиз давлат университети Фалсафа кафедраси
мудири, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

E-mail: bozor.turdiyoyev@mail.ru

ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ТАРИХИЙ ЯХЛИТЛИК НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ СИФАТИДА

Аннотация. Ушбу мақолада «Цивилизация», унинг тарихий тараққиёт босқичлари, тарихий яхлитлик намоён бўлишидаги аҳамияти борасида фикр юритилган. Шунингдек, цивилизациялар ижтимоий - тарихий яхлитлик ва унинг жараёнларининг шакли эканлиги далиллар асосида очиб берилган.

Калит сўзлар: «Цивилизация», тарихий яхлитлик, жараён, фалсафа, географик муҳит.

Turdiyoyev Bozor Khudoiberdiyevich

Head of the Department of Philosophy,
Termez State University, Doctor of Philosophy (PhD)

CIVILIZATIONS AS FORMS OF EXPRESSION OF HISTORICAL INTEGRITY

Abstract. This article examines the meaning of "Civilization," its stages of historical development, and the manifestation of historical integrity. It is also revealed on the basis of facts that civilizations are a form of socio-historical integrity and its processes.

Key words: "Civilization", historical integrity, process, philosophy, geographical environment.

Турдибоев Бозор Худойбердиевич

Заведующий кафедрой философии Термезского
государственного университета, доктор философских наук (PhD)

ЦИВИЛИЗАЦИИ КАК ФОРМЫ ВЫРАЖЕНИЯ ИСТОРИЧЕСКОЙ ЦЕЛОСТНОСТИ

Аннотация. В данной статье рассматривается значение «Цивилизации», ее этапы исторического развития, проявление исторической целостности. Также раскрывается на основе фактов, что цивилизации являются формой социально-исторической целостности и ее процессов.

Ключевые слова: «Цивилизация», историческая целостность, процесс, философия, географическая среда.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI1Y2024N36>

Кириш. Жамият ўзаги – маданий борлиқ томонларининг корреляцион-функционал мувофиқлиги ижтимоий – тарихий яхлитлик ва унга хос жараёнларнинг мазмунини ташкил этса, тизим ташкил этувчи субстанционал элементларнинг генетик

бир-бутунлиги ижтимоий — тарихий яхлитлик ва унга хос жараёнларнинг асосини – моҳиятини – субстанциясини ташкил этади. «Агар, -дейди В.К.Карнаух, -маданият кишилик жамияти билан бирга юзага келган бўлса, цивилизация эса унинг ривожланишининг муайян босқичида пайдо бўлди». Цивилизациялар ижтимоий — тарихий яхлитлик ва унга хос жараёнларнинг шакллари кўринишида намоён бўлади. Намоён бўлиш ҳодисалилик демакдир. Ҳодисалилик моҳиятнинг намоён бўлиши демакдир. Цивилизация айни вақтда нафақат маданий борлиқнинг корреляцион-функционал бирлигининг шакли ҳисобланади, балки, шу билан бирга, муайян тарихий макон ва замонда субстанционал бир бутун ҳолатида мавжуд бўлган, мавжуд ва мавжуд бўладиган мамлакатлардир. Ҳар бир мамлакат борлиқ, жумладан, ижтимоий борлиқ тизимидаги ўзига хос ҳодисалардир. Ҳар бир алоҳида олинган цивилизацияларнинг негизини муайян типдаги маданий борлиқ, онтологик таҳлил бўйича қарасак, муайян фуқаролар ва улар томонидан яратилган, такомиллаштирилган моддий маданият, маънавий маданият ва унинг турлари, сиёсий — ҳуқуқий маданиятлар бирлиги ташкил этганлигини кўрамиз. Инсон ҳам моддий , ҳам маънавий мавжудот. У яратган моддий маданият табиий материянинг инсон маънавияти орқали ўзгартириб яратилган қисмидир. Бу моддий маданиятнинг негизиде аорганик ва органик табиат ётибди. Шунинг учун жамият, жумладан, ҳар бир цивилизациянинг моддий маданиятида табиат қонунлари «ижтимоийлашган» ҳолда мавжуд бўлади [2].

Жамият тарихида материя ва унинг мавжудлик усули ва мавжудлик шакллари – ҳаракат, макон ва закон фуқаролар ва уларнинг тарихий ижтимоий фаолияти, тарихий макон ва замондан иборат цивилизациялар кўринишларида устуворлик қилади. Ҳар бир цивилизацияда жамиятнинг ўзаги – маданий борлиқнинг корреляцион-функционал ва субстанционал қонунлари ўзига хос ҳолда амал қилар экан, уларда диалектиканинг асосий қонунлари – миқдор ва сифат ўзгаришларининг бир-бирига ўзаро ўтиши қонуни, қарама-қаршиликлар бирлиги ва қураши қонуни ва инкорни инкор қонуни, биринчи навбатда, унинг субстанционал қонунлари орқали, универсал қонуниятлар – моҳият ва ҳодиса, умумийлик, хусусийлик ва алоҳидаликларнинг диалектик алоқадорликлари, таркибий қонуниятлари – бутун ва қисм, элемент, мазмун ва шакл, тизим ва таркибларнинг диалектик алоқадорликлари, детерминацион қонуниятлар – зарурият ва тасодиф, сабаб ва оқибат, имконият ва воқеликларнинг диалектик алоқадорликлари устуворлик қиладилар. Аммо бунда биринчи галда кўзга ташланадиган ҳолат – цивилизацияларнинг ҳодисалилиги ва шакллилигидир. Чунки ҳар бир цивилизациянинг тарихан келиб чиқиши, ривожланиши, биринчи типдан иккинчи типга ўтиши ҳолатлари мавжуд экан, у ҳодиса ҳолида намоён бўлади. Унда корреляцион-функционал ва субстанционал мувофиқлик ва боғланишлар ўзига хос ҳолда юз беради. Бир цивилизация – мамлакат иккинчи цивилизация – мамлакатдан ўзига хос шакли ва демакки, мазмунлари билан фарқ қилади. Шунинг учун жамият ўзаги – маданий борлиқ томонларининг корреляцион-функционал боғланишлари биринчи навбатда мазмун, цивилизациялар шакл, тизим ташкил этувчи субстанционал боғланишлари эса моҳият, ҳар бир цивилизациялар уларнинг намоён бўлишлари сифатида гавдаланади [3].

Адабиётлар таҳлили. Илмий адабиётларда цивилизациянинг маъно-мазмунни тўғрисида бир хил фикрга келинмаган. С.Крапивенский бу ҳақда шундай ёзган:

«Цивилизация» терминининг ўзи (лотинчадан *civil* – фуқароликка оид, давлатга оид) ҳозиргача бир хил талқинга эга эмас. У жаҳон тарихий ва фалсафий (шу жумладан, футурологик) адабиётларда ҳар хил маъноларда ишлатилмоқда.

1. Маданиятнинг синоними сифатида. Масалан, А.Тойнби тарихшунослик ва фалсафадаги англо-саксон мактабларининг бошқа намоёндалари (қарашларида — Т.Б.) маданиятнинг умумий, бир хил тарихий типлари мавжуд бўлганлигини илгари суриб, бир-бирлари билан боғланмаган локал цивилизациялар мавжудлигини ҳисоблаб чиқди. У аввал 21 та цивилизация, сўнгра уларни қисқартириб 13 та цивилизациялар мавжудлигини санаб кўрсатади. Унинг фикрича, «ижодкор озчилик» цивилизацияларнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

2. Локал маданиятлар ривожланишининг муайян босқичлари, хусусан уларнинг таназули ва пасайиши сифатида. Ўз вақтида мавжуд бўлган О.Шпенглернинг «Европанинг сўниши» китобини эслайлик. О.Шпенглер бир бутун жаҳон маданияти йўқ ва бўлиши мумкин эмас, деган ғоя асосида саккизта – Миср, Ҳинд, Вавилон, Хитой, Грек-Рим, Византия-Араб, Ғарбий Европа ва Майя цивилизациялари тўғрисида фикр юритади.

3. Инсоният тарихий ривожланишининг ёввойиликдан кейинги босқичи. Биз цивилизацияни шундай тушунишни Л.Морган, ундан кейин Ф.Энгельсда, бугунги кунда А.Тоффлерда учратамиз [1].

4. У ёки бу ҳудуд ёки алоҳида этнос ривожланишининг даражаси (босқичи) сифатида. Бу маънода антик цивилизация, инклар цивилизацияси ва шунга ўхшашлар ҳақида гапиришади. Биз бу тушунишлар бир ҳолатда аҳамиятли даражада касб этиши ва бир-бирини тўлдиришини, бошқа ҳолатларда ўзаро инкор қилувчи ҳисобланишларни кўрамиз».

Илмий адабиётларда бундан ташқари «Ердаги цивилизация»га нисбатан «ўзга цивилизациялар» сўзлари, Ж.Ж.Руссо, И.Кант, Г.Гегель, Ф.Гизо каби мутафаккирлар томонидан цивилизацияни фуқаролик жамияти маъноларида ишлатилганини кўрамиз. Улар фуқаролик жамиятларини буржуа жамиятлари мамлакати – цивилизациялари маъноларида талқин қилишган. Жумладан, Ф.Гизо «Цивилизация ҳақида гапирганда, ўша соатдаёқ –ўзимизда ижтимоий фаолиятнинг кенгайиши, кўпайишини ва ижтимоий муносабатларнинг яхши ташкиллашганлигини тасаввур қиламиз: бир томондан, биз жамиятнинг фаровонлиги ва қудратини, бошқа томондан, алоҳида шахслар ўртасида тенг ўлчовли тақсимот мумкинлигини кўрамиз», – дейди.

Муҳокама. Тўғри, ҳозирги кунда юридик тушуниш бўйича, ҳуқуқий давлат жамиятнинг алоҳида томони, фуқаролик жамияти, яъни нодавлат соҳалари жамиятнинг иккинчи томони ҳисобланади. Улар жамиятнинг бир-бирларини тақозо қилувчи томонлари ҳисобланади. «Цивилизация» сўзи эса, юқорида кўрганимиздек, фуқароликка ва давлатга оид, деган маъноларни беради. Бунда цивилизация ўз фуқаролари ва давлатига эга мамлакат сифатида ҳам тушунилади. Биронта жамият – мамлакат фуқароларисиз мавжуд бўла олмайди. Фуқаролик давлат ҳокимияти томонидан белгиланади. Аммо «мамлакат, — дейди В.Д.Панков, — қайсинки кишиларнинг этномаданий бирлигининг маконий авж олиши босқичи реализация қилинган экан, «фуқаролик жамияти – давлат» муносабатлари орқали қарор топувчи ўзининг ижтимоий маконий умумийлигини қанчалик ифода қилган бўлмасин, махсус

тарихий реаллик сифатида ижтимоий-фалсафий тушунчалар аппарати мавжудлигида ўзининг айнан аксини топган эмас». Демак, фуқаролик жамияти кенг маънода жамиятда мавжуд барча томон ва соҳаларни қамраб олади ва конкрет кўринишларга – мамлакатлар, яъни ўзига хос цивилизациялар кўринишларига эга бўлади. Фуқаролик жамиятини бундай маънода – «мамлакат — цивилизация» маъносида ишлатиш объектив ижтимоий реалликка зид келмайди [5].

«Цивилизация» сўзи янги даврнинг бир қатор мутафаккирлари томонидан «фуқаролик жамияти», хусусан буржуа жамияти маъносида ишлатилган. Жамиятнинг шаклланишида шаҳарларнинг ҳам ўзига хос ўрни уларнинг цивилизациялар шаклланишини белгиловчилиги билан характерланади. «Шаҳар, — дейди Н.Л.Захаров, — этнотабиий ва ижтимоийликнинг бирга қўшилган тугунли нуқтаси, шунингдек, цивилизациянинг бошланғич хужайраси ҳисобланади. Шаҳар табиий муҳитнинг антропогенга ўзгариши натижасидир. Шаҳар ўз одамларининг этник ўзига хосликларини, улар хулқи (оригинал маданий анъаналар шароитида шаклланадиган)нинг этник стереотипларини бостирган ҳолда баробарлаштиради ва уларга шундай, қайсинки ҳар бир этнос учун алоҳида мавжудлиги бегона, ташқи куч сифатидаги бир хил ҳаракатлар тарзини юклайди. Лекин кишилар бу кучни ахлоқий – оқилона зарурият сифатида тушунишга қобилдирлар. Бунинг устига инсон ижтимоий шартнома, фуқаролик жамияти асосларини қуради». Шунингдек, илмий адабиётда «суперсцивилизация» терминини учратиш ҳам мумкин. «Ғарбий Европа ва Шимолий Американинг, -дейди С.И.Попов, -кўп мамлакатларини ўз ичига оладиган ғарбий цивилизацияни суперсцивилизация деб аташ мумкин. Бу концепцияга мувофиқ, «Ғарб» бутунлай бошқача цивилизация сифатидаги «Шарқ»қа қарши қўйилади. Баъзи мутафаккир ва шоирлар Ғарб ва Шарқнинг ўзига хосликларини абсолютлаштириб, уларнинг маънавий ҳаётларининг мувофиқлашмасликларига, тўлиқ «ўтказиб бўлмасликлари»га қатъий ишонадилар» [4].

Кейинги пайтларда илмий адабиётларда жамиятнинг тарихий яхлитлиги ва унга хос жараёнларига формацион ва сцивилизацион ёндашиш устида баҳслар кетмоқда.

Формация нима? У қандай шаклланган? С.И.Ожегов «Рус тилининг изоҳли луғати» китобида «формация» тушунчасига қуйидагича тавсиф берган: «1. Ишлаб чиқариш усули томонидан белгиланадиган жамият ривожланишининг муайян босқичи, шунингдек, ушбу ривожланиш босқичига тегишли жамиятнинг тузилиши (китобий). Ижтимоий-иқтисодий формация. Феодал формация. 2. Қарашлар, ички тахлит тизими (китобий.). Янги формация кишиси. 3. Битта даврдаги геологик чўкиндилар йиғиндиси». Умуман олганда, «формация» сўзи «форма», яъни «шакл» деган маъноларни беради. «Ижтимоий» сўзининг унинг олд қисмига қўшилиши эса жамиятга оид шакл, тип, тур ҳақида гап кетаётганлигини англатади. «Иқтисодий» сўзи К.Маркс томонидан киритилган бўлиб, ижтимоий тараққиётда моддий неъматларни ишлаб чиқариш усулининг белгиловчилигини англатиш учун қўлланилган. «Формация» сўзи геология тарихининг тушунчаларидан ҳисобланади. Уни К.Маркс 1851 йилда «Луи Бонапартнинг 18-брюмери» асарида жамиятга қўллаб, ижтимоий формация» сўзини ишлатган. У сўнгра 1859 йилда «Сиёсий иқтисод танқидига доир» асарининг сўз бошида ишлаб чиқариш усулининг тарихий типларига мувофиқ ҳолда кишилик тарихини йирик ҳажмда даврлаштириб «ижтимоий-иқтисодий формация» атамасини қўллади. К.Маркс

таълимотида моддий неъматларни ишлаб чиқариш усули ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг бирлигидир. Бунда ибтидоий, қулдорлик, феодалистик, капиталистик ва коммунистик иқтисодий муносабатлари типиклаштирилиб, улардан бешта ишлаб чиқариш усуллари ишлаб чиқилиб, «ижтимоий-иқтисодий формация» термини юзага келди. Ҳолбуки, мулкчилик, айирбошлаш, тақсимот ва истеъмол муносабатлари субъект – инсон ва унинг ақли орқали юзага келади. Демак, моддий неъматларни ишлаб чиқаришда бошқа омиллар – ижтимоий, маънавий, сиёсий ва ҳуқуқий омилларнинг ҳам ўрни мавжуд. Маркс таълимотида асосий урғу иқтисодий муносабатларга қаратилди, унинг роли бўрттирилди. Натижада бу таълимот «иқтисодий материализм» деб баҳоланди. Маълумки, коммунистик формация тўғрисидаги ақидапарастликка асосланган таълимот эса ўзини оқламади. Унинг ўрнига «демократик фуқаролик жамияти» тўғрисидаги таълимот қўйилди. Бундан асосий мақсад фуқаролар ҳуқуқлари халқ ҳокимиятчилиги томонидан таъминланиши керак. Формация сўзи жамиятнинг формаси, яъни шакли маъносида ишлатилган. Жамиятнинг ибтидоий, қулдорлик, феодалистик ва капиталистик шакллари мавжудлиги тарихдан маълум. «Агарда кимдир, — деган эди И.А.Каримов — ижтимоий тараққиётнинг навбатдаги босқичини босиб ўтмасдан, ундан кейинги босқичга, айтайлик, қулдорлик тизимидан бирданга ривожланиб капитализмга ўтиб кетиши мумкин, деб ўйласа, қаттиқ адашади». Демак, жамият ўз ривожланиш формациясига эга бўлиб, бу шакллар цивилизациялар мамлакатлардан ташкил топган [6].

Биз тарих фани орқали жамият ибтидоий даврдан то ҳозирги кунгача ўз шаклини ўзгартириб келганлигини кўраемиз. Демак, жамият ўз тарихида ижтимоий формациялардан, ижтимоий формациялар – мамлакатлардан ташкил топган. Ҳозирги кунда тарих фанида қадимги давр, ёки ўрта асрлар, ёхуд янги ва янги цивилизациялари – мамлакатлари бўлсин, аслида улар ижтимоий формацияларга мос келади. «Ҳозирги замон илмий адабиётида, дейди проф. Ҳ.Ф.Воҳидов, — формацион ёндашув аста-секин ўз ўрнини цивилизация ёндашишга бўшатиб бермоқда, чунки бу ёндашув ҳуқуқий давлат ва ҳуқуқ вазифаларига мосдир, уларни илмий таҳлил қилиш имкониятини беради... ». «Ижтимоий-иқтисодий формация» моддий ишлаб чиқариш усулидан, «ижтимоий формация» эса жамият ўзаги – маданий борлиқнинг тарихий умумийликларидан келиб чиқади. Биз бунда жамиятни энг умумийлик, ижтимоий формацияларни умумийлик, цивилизацияларни алоҳидалик маъноларида ишлатдик. «Улкан маданий мерос маскани бўлган заминимизда – деган И.А.Каримов, — кўпдан-кўп мустақил цивилизациялар ўз қадриятларини авлоддан-авлодга ўтказиб, замонларнинг чамбарчас алоқасини маънавий ва маданий қадриятлар давомийлигини вужудга келтиради». Цивилизацияни маданият билан тенглаштириш нотўғридир. Цивилизация маданият негизида шаклланадиган ўзига хос жамият – мамлакатдир. Инглиз олими А.Тойнби «цивилизациянинг ички моҳияти, руҳиятини маданий омиллар ташкил этади», дейди. Тадқиқотчилардан Н.Мухаммадиев «цивилизация деб тарихий макон ва замонда аниқ ўзига хос ишлаб чиқариш усулига эга бўлган, ҳар қандай ички ва ташқи дунё, макро ва микро, маълум ва номаълум олам таъсирига қарши тура олувчи, уларга ҳам ўзининг акс таъсирини ўтказа олувчи, нисбатан муҳим, такрорланмас, муайян маданий борлиққа эга бўлган ақлий мавжудотлар, инсонлар ҳамжамиятига айтилади»,

деган ғояни илгари суради. Жамият табиатга ишлов бериш орқали, маданий борлиқни яратиш орқали ажралиб чиққан экан, у ўзига хос мамлакатларни, яъни цивилизацияларни келтириб чиқаради. Демак, формацион ва цивилизацион ёндашишлар жамият тарихини даврий бўлишнинг методологик тамойиллари бўлиб, улар ижтимоий — тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг намоён бўлишларидаги умумийлик ва ўзига хосликларни билишда муҳим дастурил амал аҳамиятига эгадирлар [9].

В.Ф.Шаповалов, Ф.Бродель ва М.Гефтерларнинг «мамлакат — цивилизация» тўғрисидаги ғояларига таянган ҳолда, Россияга нисбатан Россияни цивилизация – мамлакат сифатида қуйидагича асослайди: «Европача ва осиеча ибтидолар, албатта, Россияча цивилизация таркибида иштирок этмоқда... Улар Россиянинг ичида бошқача кўриниш, махсус Россияча ранг касб этади. Россиянинг Европа ва Осиёнинг қисми ҳисобланиши нафақат муҳим, балки шу билан бирга соф кўринишда: Россия қандайдир учинчи кўриниш сифатида Европа ҳам, Осиё ҳам ҳисобланмайди. Россияда ҳаёт ва фикрлар тарзи ҳеч қачон бир хил бўлмаган ва ҳеч қачон яқин келажакда соф европача ҳам, соф осиеча ҳам, иккаласининг оддий йиғиндиси сифатида ҳам бўлмайди. Россиянинг руҳий тузилиши, унинг этник ва бошқа тегишлилигига боғлиқ бўлмаган ҳолда, ҳеч қачон европалик ва осие регионидан, масалан, Яқин Шарқ, Хитой, Ҳиндистон ёки япониялик қайсидир вакилнинг руҳий тузилишига тўлиқ мос келмайди. Россиядаги сиёсий ва иқтисодий тузум Европанинг ёки Осиёнинг сиёсий ва иқтисодий тизимларидан қайсидир бирига ҳеч қачон бутунлай ўхшаш бўлмаган ва бўлмайди ҳам» [11].

Хулоса. Ҳар бир мамлакатни ўзига хос цивилизация деб қарар эканмиз, уларнинг негизида этник ўз-ўзини англаш ётади. «Кишилиқ оламининг бутунлигини англаш, — дейди Р.М.Нигматуллина, — этник ўз — ўзини англаш: этник идентификация ва ўзининг бошқа халқлар ўртасида ўрнини англаш шаклида амалга ошади». Худди шундайин, Ўзбекистон тарихида ҳам кўплаб мамлакатлар мавжуд бўлиб келди, унинг ҳар бир тарихий босқичларида турли хил омилларнинг уйғунлашганлигини кўрамиз. Демак, ҳар бир мамлакатда, унда умумийлик қанчалик кўп сонли бўлмасин, масалан, Ўзбекистонда жаҳон ҳамжамиятига, мустақил ҳамдўстлик мамлакатларига, ислом мамлакатларига, туркий халқларга, Марказий Осиё мамлакатларига хос умумий томон ва хусусиятлар қанчалик кўп бўлмасин, ижтимоий — тарихий яхлитлик ва ундаги жараёнлар конкретдир, алоҳидадир. Алоҳидалиқ цивилизацияларни фуқаролик жамияти – мамлакат маъносида ишлатишга имкон беради, ижтимоий — тарихий яхлитлик ва жараёнларнинг аниқ манзарасини беради. Формацион ёндашиш хусусийлик сифатида даврий ва маконий жиҳатдан умумий жиҳатларни топишга ёрдам беради. Демак, цивилизация «термини» ижтимоий объектлар ва уларнинг томонларининг кўламига кўра турли хиллигини билишга имкон беради. Ижтимоий — тарихий яхлитлик ва алоҳида кўринишдаги жараёнларга эса алоҳида ўз номига эга цивилизация – мамлакатларни таҳлил қилиш орқали эришилади. Хуллас, цивилизациялар ижтимоий — тарихий яхлитлик ва ундаги жараёнларнинг намоён бўлиш шакллари дир.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. – Т.: «Шарқ», 2000.
2. Файзуллаев О.Ф. Фалсафа ва фанлар методологияси . – Т.: ЎЗР ФА Ф ва ҳ. институти, 2006.
3. Фалсафа: қомусий луғат. – Т.: «Шарқ», 2004. – Б.123.
4. Фалсафа: маърузалар матни (Назаров Қ. ва бошқ.) – Т.: ЎАЖКНТ маркази, 2000. – Б. 237-244.
5. Философия истории. Учебник пособие. // Ред.проф. А.С.Панарин. – М.: Гардарики, 2001. – С. 432.
6. Философия: Учебник для студентов высших учебных заведений. – Ростов/Д.: «Феникс», 1999. – С.312-313.
7. Ҳайдаров Ҳ.Ф. Исторический закон в структуре социального познания и управления. – Т.: «Фан», 1994. – С. 225.
8. Шаповалов В.Ф. Основы философии. От классики к современности. Учебное пособие. – М.: ФАИР – ПРЕСС, 2001. – С.608.
9. Шермухамедов С.Ш. Некоторые вопросы теории и практики развития социалистической культуры. – Т.: «Ўзбекистон», 1980.
10. Шермухамедов С.Ш. Расцвет и сближение национальных культур народов СССР. – М.: «Мысль», 1974.
11. Шермухамедова Н.А. Гносеология. – Т.: ЎФТЖ, 2007. – Б. 380.
12. Шермухамедова Н.А. Фалсафа ва фан методологияси. – Т.: «Университет», 2005.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 3 (4) – 2024

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).